



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент \_\_\_\_\_ факультети

**Индустриал иқтисодиёт фанидан**

**КУРС ИШИ**

**Мавзу:** Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш шароитида саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш йўналишлари

**ИК-316 гуруҳ талабаси**

**Бажарди: Ж.Искандаров**

**Текширди: З.К.Рахимов**

**Самарқанд – 2019**

## Режа

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>1</b> Мамлакат иқтисодиётида минерал ҳомашё ва ресурсларнинг аҳамияти.....	<b>6</b>
<b>2</b> Ўзбекистон Республикасида минерал ҳомашё ва ресурсларнинг ҳозирги ҳолати.....	<b>8</b>
<b>3</b> Саноат корхоналари томонидан ресурслардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили.....	<b>14</b>
<b>4</b> Саноат корхоналарида ресурслардан оқилона фойдаланишнинг йўллари.....	<b>17</b>
<b>5</b> Саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш имкониятлари.....	<b>20</b>
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	<b>26</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>28</b>

## КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ресурслар катта аҳамият касб этади. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ёки истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона маълум бир ресурслардан фойдаланади. Маълумки, ресурслар чекланган эҳтиёжлар эса чекланмаган. Аҳоли сонининг ортиши билан ҳам товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам ортиб боради. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги бозор шароитида ҳар бир корхона ўз фаолиятини модернизацияланган, замонавий, тежамли бўлган техника ва технологиялар асосида олиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, хўжалик жиҳатидан ҳамкорлиги саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Табиий, меҳнат ресурсларидан, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқли.

Саноат учун фан-техниканинг узлуксиз тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг ютуқлари билан қуролланиши даражасининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, компьютерлаштириш ва кимёлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади. Уларни фақат тинчлик мақсадларида қўллайди.

Индустриал тармоқнинг ривожланиши ўз навбатида ресурсларнинг сарфини ҳам кўпайтиради. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирги замон иқтисодиётида турган муаммолардан бири бўлиб

ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобланиб келмоқда. Айрим мамлакатларнинг ресурсларга доир сиёсатида кўриш мумкинки, ишлаб чиқарилаётган товарларни иккиламчи, яъни хужалик чиқиндиларини қайта ишлаб чиқарилиши эвазига ўз фаолиятларини ташкил этганлар. Бу албатта иқтисодиётда ресурслардан оқилона фойдаланиш учун қулайдир. Аммо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида фан-техника тараққиётини қўллаш ҳам ресурслар тежамкорлигини таъминлайди.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади.

Саноат барча миллий иқтисодиёт тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларда табиий бойликлардан, хом ашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳасида 2000 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Сўнги 10 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг жадал ривожланиши бу соҳада янги корхоналарни кўплаб бунёд этиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноат тармоқлари ва корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш ва диверсификациялаш, айниқса машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат саноатидаги юқори ўсиш суръатлари ҳисобига юзага келди.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб **“Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш шароитида саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш йўналишлари”** мавзуси долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

## **1.Мамлакат иқтисодиётида минерал хомашё ва ресурсларнинг аҳамияти**

Минерал-хомашё ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг муҳим бойлик манбаидир. Ундан олинаётган маҳсулотлар инсоннинг турли эҳтиёжини қондиради. Минерал-хомашёдан турли металллар, ёқилғи, қурилиш материаллари, химикатлар, қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ер остидаги минерал ҳосилалар қидирилмаган ва баҳоланмаган бўлса, у ҳолда улар минерал хомашё сифатида кўриб чиқилиши мумкин, ҳолбуки уларни аниқлашга ва қидиришга меҳнат сарфланган. Аммо ер остидаги бундай минерал хомашё захиралари потенциал ресурслар ҳисобланади, холос. Улар ер қа'ридан қазиб олингандан кейингина ҳақиқий минерал хомашё ҳисобланади. Минерал хомашё тушунчаси фойдали қазилма тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Фойдали қазилма – ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобиғидаги табиий минерал моддалардир. Улар ер остидан қазиб олингандан кейин минерал хомашё кўринишига эга бўлади. Шундай қилиб, ер қа'ридан қазиб олинган, халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар минерал хомашё дейилади. Мамлакатда муайян муддатда қидирилган, аниқланган, баҳоланган ҳамда прогноз қилинган фойдали қазилмалар эса минерал ресурслар деб аталади.

Фойдали қазилмаларнинг табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тузилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характери ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон захиралари 4 тоифага бўлинади. Булар: А, В, СL, С2. А тоифага фойдали қазилмаларнинг турлари ва технологик хоссалари ўрганилган захиралари киради. Фойдали қазилмаларнинг В тоифадаги захиралари руда

жисмларининг ётиши ҳоллари, табиий турлари ва саноат навлари аниқланиб ҳисобланади. Бундай захиралар қидириб топилган ва чегараланган бўлади. С1 категорияга киритилган фойдали қазилмалар захиралари конларнинг алоҳида участкаларидан олинган технологик намуналарни ўрганиш асосида аниқланади, аммо рудаларнинг хиллари, сифати ва технологик характеристикаси аниқланмаган бўлади.

Захиралар геологик, саноат аҳамиятига молик ва эксплуатация турларига бўлинади. Минерал ресурсларга бўлган талаб вақтга қараб ўзгариб туради ва у жамиятнинг ривожланиш даражасига, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, шунингдек техника тараққиётига ва иқтисодий имкониятига боғлиқ бўлади. Табиий минерал моддалар уларга бўлган эҳтиёж ва амалда улардан фойдаланиш усуллари пайдо бўлгандагина минерал ресурсларга айланади. Техника билан қуролланганлик даражаси қанча юқори бўлса, фойдали қазилмалар ассортиментини шунчалик кўп бўлади ва минерал хомашёнинг кўплаб янги турлари саноат ишлаб чиқаришга жалб этилади. Масалан, саноат аҳамиятига эга бўлган тошкўмирдан фақат XVII аср охиридан, нефтдан XIX аср ўрталаридан, алюминий, магний, хром ва нодир элементлар маъданларидан ва калийли тузлардан XIX аср охири ва XX аср бошларидан, уранли маъданлардан эса XX аср ўрталаридан бошлаб фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Одатда, фойдали қазилмалар захиралари ва прогноз қилинган ресурслар миқдорий жиҳатдан баҳоланади. Дунё ва айрим мамлакатлар минерал-хомашё балансида, ҳар бир фойдали қазилма тури, захираларининг 70-80 %дан ортиғи йирик ва жуда катта конлар ҳисобига тўғри келади, қолганлари ўртача катталиқдаги ва кўплаб майда конларга жамланган. Умуман қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг талайгина қисми маъдан миқдорига нисбатан оз бўлган, ёки катта чуқурликда ва мураккаб тоғ-геологик шароитларда жойлашган конларда жамланган.

Минерал ресурсларни саноат йўсинида ўзлаштириш уларни баҳолашга (илмий-тадқиқот, излаш ва геологик қидирув ишлари) ва ҳажмига,

саноатнинг ўзига хос хусусиятларига ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, хўжалик минерал-хомашё секторининг мамлакат иқтисодиётидаги роли билан белгиланади ҳамда қазиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлашни ўз ичига олади. Минерал ресурсларнинг қайтадан тикланмаслиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурати, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишда нес-нобуд бўлишини қисқартириш, шунингдек иккиламчи хомашё сифатида ишлатиш ва минерал ресурслардан фойдаланишда экологик иқтисодий ёндошувга риоя қилиш лозимлиги билан изоҳланади.

Минерал-хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёж истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ортиб бормоқда. Бу асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг энйергетик ва техникавий қуролланганлик даражасини ошириш учун кўп миқдорда табиий ресурслар зарурлиги билан изоҳланади. Минерал-хомашё ресурслари ролининг ортиб бориши уларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши билангина эмас, балки уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва меҳнат унумдорлигига таъсири билан шартланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари ва даражаси кўп жиҳатдан фойдали қазилмалардан фойдаланиш самадорлиги кўламлари ва даражасига боғлиқдир.

## **2.Ўзбекистон Республикасида минерал хомашё ва ресурсларнинг ҳозирги ҳолати**

Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга республикада 2900 дан ортиқ фойдали қазилма конлари ва улар намоён бўлган истиқболли жойлар, 100 хилга яқин минерал-хомашё қидириб чамаланган, шундан тахминан 65 туридан ҳозирдаёқ саноатда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. 1000 тага яқин кон, шу жумладан 168 та нефт, газ ва кондесат кони, 51 та қимматбаҳо металллар кони, 41 та рангли, нодир ва радиоактив металллар кони, 3 та кўмир кони, 22 та кон - маъдан, 14 та кон - кимёвий ва 24 та ярқирама тош

хомашёси кони, 522 та турли мақсадда фойдаланиладиган қурилиш материаллари ва 151 та чучук ва минерал ерости сувлари конлари қидириб чамаланган. Ҳозирча уларнинг 45 %и фойдаланишга жалб қилинган.

Республикамизнинг умумий минерал-хомашё салоҳияти тахминан 3,5 триллион долларни ташкил қилади. Ишлатиш учун тайёрлаб қўйилган фойдали қазилмалар захиралари 1025 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шунини қайд қилиш керакки, республикада нисбатан қисқа муддат ичида 200 млрд. доллар миқдориди хомашё қазиб олинди.

Тайёрлаб қўйилган захиралар негизда республикада 535 та кон, шахта, карер, нефт-газ конлари, 420 та сув олиш жойлари, балнеологик шифохоналар, шифобахш сувларни қуйиш шохобчалари ишлаб турибди. Ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган минерал-хомашё захиралари нафақат ишлаб турган кон қазиб чиқариш мажмуаларнинг узок муддатли истиқболлини таъминлайди, балки уларнинг қувватини ошириш, энг муҳим фойдали қазилмалар (олтин, уран, мис, қўрғошин, рух, кумуш, литий, фосфоритлар, калий тузлари, флюорит, кварц-дала-шпат, агрохимёвий маъданлар ва бошқалар) қазиб олишни қайтадан ташкил этиш имконини ҳам беради. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 млрд. доллар миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ўрнига 6-7 млрд. долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, волфрам, калий тузлари, фосфорит, каолин бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Маълумки, инқироз шароитида минерал-хомашё ресурслари ҳам ички, ҳам ташқи бозорнинг истеъмол объекти ҳисобланади. Шу туфайли, тоғ-кон саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар миллий иқтисодиётни қуйидаги муаммоларини йечишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- халқ хўжалиги талабини анъанавий турдаги минерал-хомашёлар билан тўлиқ таъминлаш;
- ташқаридан кириб келаётган минерал-хомашёлар ўрнини тўлдириш;

- миллий хўжаликнинг янги соҳаларини хомашё билан таъминлаш;
- экологик вазиятни (кимёвий ўғитларни табиий ўғитларга алмаштириш) ва санитар-гигиеник вазиятни (ёд, бром, шифобахш минераллар) яхшиланишини ташкил этиш;

- ташқи бозорни ўзлаштириш ва ижобий савдо балансини ташкил этиш.

Шулардан келиб чиқиб, жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакат минерал-хомашё базасини мустаҳкамлашда улардан самарали ва оқилона фойдаланилиши лозим.

Аксарият конларнинг бир-бирига яқин жойлашганлиги ва учрайдиган фойдали қўшимчаларни қазиб олиш мумкинлиги объектларнинг аҳамиятини анча оширади. Аммо минерал-хомашё негизини ривожлантиришда катта имкониятлар борлигига қарамай, бу соҳада кўпгина муаммолар ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда жаҳон бозорида олтин ва бошқа рангли металлларнинг нархи жуда пастлаб кетди. Бу ҳол энергетика хомашёсига ҳам тааллуқлидир. Бундай шароитда фақат юқори сифатли, яъни таркибида фойдали қўшимчалар миқдори ковп, ишлатиш шароитлари ва маъданларни қайта ишлаш усулига кола технологик жиҳатдан илгвор ва экологик таъминоти юксак даражада бўлган минерал хомашё захиралари рақобатбардош болиши мумкин.

Умуман, жаҳон бозорининг ўзгарган шароитлари Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё негизини қайта тақсимлаш муаммосини илгари сурмоқда. Бунинг учун барча тоифадаги саноат захиралари ва прогноз қилинган ресурслар қисқа муддат ичида геологик-иқтисодий баҳоланиши керак. Бугунги кунда мамлакатимиз минерал хомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида куйидаги вазифалар амалга оширилмоқда:

Республикада ягона бўлган металл парчалари ҳисобига ишловчи Ўзбекистон металлургия комбинатини хомашё билан таъминлаш мақсадида Давлат геология кўмитаси темирга оид геология-кидирув ишларини олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 450 млн. тонна маъдан (ўртача темир миқдори - 15%) захирасига эга бўлган Тебинбулоқ (Қорақалпоғлстон Республикаси), 70

млн. тонна маъдан (миқдори - 33%) захирасига эга бўлган Темиркон (Жиззах вилояти) ва 16 млн. тонна, (миқдори - 34 %) маъдан захирасига эга бўлган Сюренота (Тошкент вилояти) сингари учта кон мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шахрида ош тузи ва оҳактошдан иборат ҳомашё негизида йилига 210 минг тонна каустик ва калцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган сода заводи ишга туширилди. Заводнинг тўла қувватда ишлай бошлаши билан республикамиз ўзини-ўзи сода билан тўла таъминлайди.

Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинати қурилмоқда. Заводнинг қуввати йилига 1190 минг тонна бўлган концентратни ташкил этади. Корхонанинг ишга туширилиши билан, республикада фосфоритга бўлган талаб толалигича қондирилади. Бугунги кунда мамлакатимизга фосфорит қўшни Қозоғистон Республикасидан келтирилмоқда.

Қашқадарё вилоятида қуввати йилига 300 минг тонна бўлган калий хлор ишлаб чиқарадиган калий заводини қуриш лойиҳалаштирмоқда. Корхона ишга тушиши билан, республиканинг калий хлорга бўлган талаби қондирилади. Ҳозирги кунда калий хлор Россия ва Белоруссиядан келтирилмоқда.

Ўзбекистонда Австрия билан ҳамкорликда кварц қуми ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кварцпесок" қўшма корхонаси ташкил этилган. Кварц қуми илгари республикамизга Тожикистон Республикасидан олиб келинар эди.

Иссиқликни олказмайдиган материаллар (вермикулит, базалт ва б.) конлари бўйича геология ишларини олиб бориш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизга вермикулит Россиядан келтирилмоқда.

Юқорида баён этилган масалалар овзаро узвий боғлиқ бўлиб, замонавий техника ва технологияни мақбул бошқариш, республика иқтисодиётидаги муаммоларни аниқ белгилаб, уларни ҳал қилишнинг самарали ёлларини излаб топишни тақозо қилади. Бу эса катта маблағв талаб

этувчи геология-қидирув ишлари, тоғв- кон саноатини ривожлантириш каби иқтисодиётдаги муҳим вазифаларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқ.

Республикамызда мустақиллик йилларида ерости бойликлари захираларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг ривожланиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. Мамлакатимиз саноати таркибида қазиб олиш саноати ҳиссасининг ўсиши олтин, газ, нефт қазиб чиқариш саноатларида ишлаб чиқариш жараёнининг кенгайишида овз ифодасини топмоқда. Маълумки, Ўзбекистон жуда катта минерал-хомашё ресурсларига эга. Бу ерда 84 турдаги 850 дан ортиқ қазилма бойлик конлари очилган.

Аниқланган ёқилгил-энергетика, тоғв-кон ва кимё саноати хомашёлари, курилиш материаллари захиралари ҳисобига 370 дан ортиқ неф-газ конлари, шахта ва карерлар ишга туширилган. Республикамыз жаҳон миқёсида газ қазиб чиқарувчи йирик давлатлар ўнлигида туради, МДҲ давлатлар ичида эса учинчи олинни эгаллайди. Республикамыз олтин захиралари бўйича дунёда 4, уни қазиб чиқариш бўйича 7 олинда туради. Шунингдек, уран захиралари бўйича 7-8, кумуш захиралари бўйича 11-12 оМнларни эгаллайди.

Республикамыз ерости бойликларининг катта қисми Навоий вилояти ҳудудида жойлашган. Вилоятда 200 дан ортиқ турли қазилма бойликлар конлари аниқланган болиб, шулардан 37 таси олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар, 16 таси уран конлари, 12 таси шифобахш ерости минерал сувлари ҳисобланади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакатимиз ҳудудидаги жуда бой минерал хомашё ресурсларини қазиб чиқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш заруратини доимо таъкидлаб келадилар:

«Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида таркибий тузилиш сиёсатини ишлаб чиқар эканмыз, биз овз ихтиёримиздаги ғоят бой табиий маъдан-хомашё, меҳнат ресурсларига мустаҳкам таянишимиз, улардан энг

---

<sup>1</sup> Национальный доклад. 2005, с.78.

самарали фойдаланишни ҳисобга олишимиз лозим. Бу сиёсат натижасида ҳал этиладиган устувор вазифаларни танлаб олишга асосланишимиз керак».

Навоий вилоятида мустақиллик йилларида маҳаллий минерал-хомашёларни қазиб олиш тез сур атлар билан ривожланиб, уларни қайта ишлайдиган йирик саноат корхоналари вужудга келди. Жумладан, Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Қизилқумдаги "Навоий тоғв-кон металлургия комбинати", Зарафшон шаҳридаги "Амантайтов-Голдфилдз" кўшма корхонаси, «Қизилқумсемент» ва «Навоиязот» корхоналари овз маҳсулотларини дунёнинг коьп мамлакаткатларига экспорт қилмоқда.

1995-йилда Мурунгов олтин конида Ўзбекистон-Америка «Зарафшон-Нюмонт» кўшма корхонаси ишга туширилган эди. Кўшма корхонада қолланилаётган ола замонавий технология туфайли олинаётган олтин арзонга тушмоқда. Биринчи йили ушбу корхона чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига бир тонна олтин олишга эришилган болса, 1999-йилдан бошлаб, бу колсаткич овн олти бараварга кўпайди. Умуман, корхона ишга туширилгандан буён чиқиндидан олинган олтин миқдори 70 тоннадан ошиб кетди<sup>2</sup>. Вилоятда йирик захираларга эга бўлган ерости бойликларини қазиб олиш саноати қайта ишловчи саноатига етарлича хомашё ресурслари етказиб бериш мақсадига бўйсунди. Шунинг учун бу тармоқнинг ривожланиши пировард мақсад эмас, балки қайта ишлаш саноати ривожини учун ва республикага етарлича валута тушумларининг келиши учун воситадир.

Шу билан бирга қайта ишлаш саноатида маҳсулотни қайта ишловчи даражасининг такомиллашуви - қазиб олиш саноати ривожининг барқарор ривожланишини таъминлашга асос болади. Вилоят саноат кархоналарида техник-технологик ҳолатни яхшилаш, хомашё ва капитал маблағларни тежаш, энергия ва сув сизгмини камайтириш, ишчи кучи салоҳиятидан самарали фойдаланиш ола муҳимдир. Бу эса нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳудудлараро алоқаларни

---

<sup>2</sup> G'ulomov S., Ubaydullayeva R., Ahmedov E. Mustaqil O'zbekiston. -T.: Mehnat, 2001, 43-b.

мукаммаллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар миқдорини ошириш муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

Истиқболда минтақада минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- минерал-хомашёларни қазиб олиш ва қайта ишлаш даражасини чуқурлаштириш мақсадида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш;
- тоғв-кон саноати корхоналарида минерал-хомашё ресурслардан комплекс фойдаланишни ривожлантириш;
- ерости бойликларини қайта ишлаш жараёнида отвалларга чиқинди сифатида чиқариладиган рудалар миқдорини камайтириш;
- минерал-хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнида атроф- муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

### **3.Саноат корхоналари томонидан ресурслардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили**

Аҳоли соснининг ортиши ва мамлакатда саноат корхоналарининг кўпайиши сайин, хомашё ва табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бориши табиий ҳолатдир.

Бугунги кунда табиий ресурсларни тежаш асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларда секланган табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини пасайтириш мақсадида, уларнинг ўрнини босувчи сунъий ресурслардан фойдаланишни йўлга қўйиш масаласи олдин сўрилган. Бунинг учун мамлакатда илм-фан янгиликларидан кенг фойдаланиш орқали ўрнини босувчи ресурсларни ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу масала долзарб ҳисобланиб келинмоқда.

Сўнги йилларда республикамизда ресурслардан фойдаланиш ҳолати йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса саноат корхоналари томонидан ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳам ўсиб бормоқда. (3.1-жадвал)

### 3.1-жадвал<sup>3</sup>

#### Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва ресурслардан фойдаланиш даражаси

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
<b>Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм</b>	<b>57552,5<sup>1)</sup></b>	<b>70634,8<sup>1)</sup></b>	<b>84011,6<sup>1)</sup></b>	<b>97598,2<sup>1)</sup></b>	<b>111869,4<sup>1)</sup></b>	<b>148816,0</b>
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	107,8	109,5	108,3	107,9	106,2	108,0
<b>шу жумладан:</b>						
Қазиб олувчи саноат	110,2	99,5	101,2	107,1	101,0	115,8
Қайта ишловчи саноат	108,5	112,1	109,4	108,1	106,4	108,3





**3.1-жадвал** маълумотларидан кўришиб турибдики, республикамизда саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва ресурслардан фойдаланиш даражаси йилдан-йилга ўсиб келган ва 2017 йилда 2012 йилга нисбатан саноат маҳсулоти ҳажми 2,5 баробар ўсган. Шу жумладан 2017 йилда қазиб олувчи саноат соҳасида 2012 йилга нисбатан 5,6 фоизга ўсган. Қайта ишловчи саноат эса 2017 йилда 2012 йилга нисбатан 0,2 камайган. Ушбу таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қайта ишлаш саноатининг камайиши ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичини ошишига олиб келади. Айнан қайта ишлаш соҳасининг купайиши эвазига ресурслардан фойдаланиш даражасини камайтириш имконини яратади. Шунинг учун,

<sup>3</sup> <https://stat.uz/uz/statinfo/sanoat/statistik-jadvallar-sanoat/197-ofytsyalnaia-statistika-uz/promyshlennost-uz/2364-sanoatning-asosiy-ko-rsatkichlari>

мамлакатимизда қайта ишлаш соҳасини янада кўпайтиришга ҳаракат қилиш зарурияти тўғилади.

### 3.1-расм<sup>4</sup>

#### Республикаимизда тоғ-кон саноати ва очик конларнинг ишлаш ҳолати

2017 yil yanvar-oktyabrda ishlab chiqarilgan	Tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash mahsulotlari	2018 yil yanvar-oktyabrda ishlab chiqarilgan	O'sish sur'ati, %
	<b>Ko'mir, ming t.</b>		
3373,0		3360,9	99,6 ↓
	<b>Neft, ming t.</b>		
687,3		624,3	90,8 ↓
	<b>Tabiiy gaz, mln.kub.m.</b>		
46325,1		49462,9	106,8 ↑
	<b>Gaz kondensati, ming t.</b>		
1581,3		1747,9	110,5 ↑
	<b>Chaqiq tosh, ming t.</b>		
791,9		1109,8	140,1 ↑
	<b>Shag'al, ming t.</b>		
327,9		326,6	99,6 ↓

<sup>4</sup> <https://stat.uz/uploads/docs/prom-noy18-uz1.pdf>

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йилнинг январь-октябрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 28,0 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 16,2 фоизини ташкил этди. Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича чақик тош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,4 мартага, каолин – 1,2 мартага, газ конденсати – 10,5 фоизга ва табиий газ – 6,8 фоизга ошган. Шу билан бирга нефть қазиб олиш ҳажмининг 9,2 фоизга, шағал ва кўмирнинг – 0,4 фоизга камайганлигини кузатиш мумкин.

#### **4. Саноат корхоналарида ресурслардан оқилона фойдаланишнинг йўллари**

Барча ресурслар – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир.

Инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи табиатнинг ресурслари ва бойликларидир. Улар ... “Ер остида, устида, дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари, ҳайвонат дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиниб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётгани натижасида камайиб бормоқда, ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

... бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир”<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 89 бет.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ишлаб чиқариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қилинган башоратларга кўра инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлади. Бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, кўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Қолайверса, бугунги кунда ишлаб чиқаришда кўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келинмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефт, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас<sup>6</sup>.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидаёқ иқтисодий мустақилликни ва озиқ-овқат хавфсизликни таъминлайдиган асосий тармоқларни ривожлантиришни устувор йўналиш деб белгилади. Шу йўналишда қилинган ишлар натижаси сифатида, бугунги кунда, “Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини тубдан қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг кенг кўламли дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть ва газ кимёси, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётимиз тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда”<sup>7</sup>.

---

<sup>6</sup> Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998. 61-б.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.:Ўзбекистон, 2015, 130 бет..

Корхоналарнинг асосий вазифаларидан бири - ресурсларни тежаш тамайилига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдир. Тежамкорлик режимини таъминлаш буйича чора тадбирлар тизимида асосий ўринни моддий ресурсларни тежаш эгаллайди.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида илм-фан ютуқларидан кенг камровда фойдаланиш бугунги давр талабидир. Айнан, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда чиқиндисиз хўжалик юритишни ташкил қилиш мумкин. Бунга кўра, ҳар бир моддий кўринишдаги тайёр маҳсулот истеъмол қилингандан сўнг чиқинди тариқасида ташлаб юборилади ва у бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтади. Уни қайта ишлаш орқали иккиламчи турдаги маҳсулотга айлантириш йўли мавжуд. Бугунги кунда бундай йўл билан иккиламчи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бошқача қилиб айтганда қайта ишлаш технологиясидан фойдаланиш бўйича Япония, Хитой давлатлари етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Ушбу давлатлар аҳоли истеъмол товарларининг деярли барча турдаги моддий чиқиндиларни қайта ишлаб, арзон ва қайта истеъмолга яроқли товарларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини камайтириш учун кўп изланишлар олиб борилмоқда. Хўжалик чиқиндиларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали, саноат товарларини ишлаб чиқарувчилари учун қулай имконият яратиш мумкин. Бунда, бирламчи ресурслар ўрнига чиқиндиларни қайта ишлаш орқали арзон ресурсларга эга бўлиш мумкин.

Республикамизда табиий ресурслардан бири ер сурслари ҳисобланади. Республикамиз аҳолисининг ўсиши билан бирга ер ресурслари камайиб бориши табиий ҳол. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилмаган, яъни унумдорлиги мавжуд бўлмаган ерлардан унумли фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Жумладан, ушбу ерларда саноат корхоналарини қуриш орқали у ерларни узлаштириш мумкин. Бундай ерларда саноат зоналарини ташкиллаштириш орқали урбанизацияга ҳам

эришиш мумкин. Бу ўз навбатида, янги иш ўринларининг вужудга келишини, ташландиқ ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли миграция ва эмиграциясини олдини олишга имкон яратади.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқаришда ресурслардан тежамли фойдаланишга интилади. Бунинг учун корхона ўз техника ва технологияларини ривожлантириши зарур бўлади. Тежамкорлик замон талаби.

Бугунги кунда корхоналар томонидан ёқилаётган табиий газ, электр энергия, сув ресурсларининг сарфи ортиб бормоқда. Илм-фан ривожланиши сайин, юқорида кўрсатиб ўтилган ресурсларни тежамкорлик билан сарфлайдиган техника ва технологиялар ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарига ушбу техника ва технологияларни киритиш билан бирга, корхоналарда қилинаётган харажатларнинг бир қисмини камайтиришга эришиш мумкин.

## **5. Саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш имкониятлари**

Харажатларни пасайтиришда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш янги техникани жорий қилиш ва маҳсулот тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш жараёнларининг камайишига комплекс таъсир кўрсатади. Улар моддий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш, буюмларни тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш имконини беради. Амалдаги жиҳозларни замонавийлаштириш ҳамда қўлланилаётган техникадан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини анчагина камайтиришга эришиш мумкин. Янги техника ва прогрессив технология асосида моддий ресурсларни ва жонли меҳнатни тежашга эришилади. Моддий ресурсларда буюмлашган ўтган меҳнатни тежаш худди шу миқдордаги хомашё ва материаллардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради: жонли меҳнат сарфини тежаш меҳнат

унумдорлигини ошириш, яъни ҳар бир ишчига ҳисобланаганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади. Бунга фан-техника тараққиёти ёрдам беради. Янги техника ва илғор технология ёрдамида ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлиги ошиб боради, бу эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади. Моддий ва пул маблағларини сарфлашда қатъий иқтисодий тежашга риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Асбоб-ускуналарни асрашга доир сарфларини камайтириш, материал, шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан максимал фойдаланиш, брак натижасида рўй берадиган нобудгарчиликларни камайтириш, фондларининг самарадорлик даражасини ошириш, иш ҳақи фондини рационал сарфлаш, цех ва умумзавод харажатларини камайтириш – буларнинг барчаси у ёки бу даражада маҳсулот таннархининг арзонлашувига таъсир кўрсатади. Моддий-техника таъминотини яхшилаш ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради. Корхонанинг хомашё, материал, ёқилғи ва энергия етказиб беришнинг узилиб қолиши ишлаб чиқариш ритмининг бузилишига, бекор тутиб қолишга ва оқибат натижада унумсиз харажатларга олиб келади. Корхона иқтисодиётига нормативдан ортиқча ҳаддан ташқари захира бўлиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Захира кўпайганда айланма маблағлар ошиб кетади, молиявий аҳвол ёмонлашади, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасаяди.<sup>8</sup> Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга меҳнатни ташкил этишна такомиллаштириш катта таъсир кўрсатади. Ҳар қандай техникадан, ҳатто янгисидан ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилмай туриб максимал равишда фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш билан бир қаторда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор бериш керак. Маҳсулот таннархини пасайтиришда ҳисоботнинг роли каттадир. Ҳисоб олиб бориш ёқилғи ва энергиядан, хомашё ва материаллардан рационал фойдаланиш, харажатларни камайтириш ва корхона жамғармасини ошириш имконини беради. Меҳнат жамоасининг кучини маҳсулот таннархини

---

8 Э.А.Акрамов. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003 й. 25.

пасайтиришга қаратиш учун ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни тўғри режалаштириш ва ҳисобга олиш зарур. Иқтисод қилиш йўлларини аниқлаш, ортиқча харажатларнинг сабабини очиб ташлаш учун бу харажатларни доимий таҳлил қилиб туриш керак. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошиши учун корхонадаги барча ишларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин таҳлил фақатгина таннархни пасайтириш режасининг бажарилишига қўйилган баҳо билан чегараланмайди, у ишлаб чиқариш харажатларини янада камайтириш учун ташкилий ва техникавий ҳаракатларни ҳам кўриши керак. Маҳсулот ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда ишчиларнинг фаол иштирок этишлари уни пасайтиришнинг муҳим омилдир.

Харажатлар корхонага боғлиқ бўлмаган омилларга қараб ўзгаради. Масалан, ресурс нархи, ҳар хил хизматлар ҳақининг тебраниши, корхона хоҳишидан қатъи назар, харажатларни ўзгартиради. Корхонада ишлаб чиқариш кўлами кенгайса, ресурслар сарфи қисқаради, чунки улар камроқ исроф қилинади. Ресурсларни тежовчи технология жорий этилганда харажатлар кескин қисқаради. Ўртача харажатлар меҳнат унумдорлигига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳам моддий, ҳам меҳнат сарфини қисқартиради, меҳнат харажатларини пасайтириш орқали фойдани кўпайтиради. Харажатларни доимий равишда пасайтириб бориш корхона фойдасини оширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро, маҳсулот баҳоси таркибининг асосий элементлари харажат ва фойдадир. Бинобарин, харажатлар қанчалик қисқариб борса, фойда шунга мос равишда ошиб боради. Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишларидан бири фан-техника тараққиёти ютуқларидан оқилона фойдаланишга эришишдир. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, хомашё материалларидан, ёқилғи ресурсларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, янги,

унумдорлиги юқори бўлган машина, дастгоҳда янги технологик жараёнлар яратиш, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш пировард натижада корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга шароит яратади. Фан-техника тараққиётининг XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзига хос жиҳати принципал янги технологик усулга ўтилиши билан характерланади. Унинг мавжуд технологик ишлаб чиқариш усулларида устунлиги фақат нисбатан юқори иқтисодий самарадорлигида эмас, балки сифат нуқтаи назаридан моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имкониятидир.

Харажатларни пасайтиришнинг асосий йўналишлардан бири ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобланади. Ушбу йўналиш ишлаб чиқаришда йўқотишларни камайтириш йўли билан харажатларни пасайтириш, бу эса, ўз навбатида, жонли меҳнатни иқтисод қилишга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади. Самарадорлик иқтисодий омил сифатида одамларнинг айрим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маҳсулотлар қобилиятларини англатади. Самарадорлик миқдорий ўлчов даражасига эга бўлади. Иқтисодиётда, энг аввало, юқори самарадорлик кўпинча имкониятлар билан биргаликда истеъмол қилишдан ҳосил бўлган самарадорликнинг юксалишини изоҳлайди. Барча самарадорликлар мажмуаси энг юқори максимал самарадорликлардан иборат эканини изоҳлаш қийин эмас. Истеъмол қилинаётган ҳар бир янги товар ўзининг энг юқори самарадорлик даражасига тенг самарадорлик даражасини кенгайтиради. Максимал самарадорликни пасайтирувчи қонунга кўра, истеъмол қилинаётган ҳар бир навбатдаги неъматнинг юқори самарадорлик даражаси олдинги босқичга нисбатан паст бўлади. Демак, бир ўлчовга тўғри келувчи қўшимча неъматлар ҳосил қилиш самараси олдинги босқичда олинган натижалардан пастроқ бўлади. Иқтисодий самарадорлик бир неча иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса бир қанча нисбий кўрсаткичлар орқали тавсифланади.<sup>9</sup> Самарадорликнинг

---

9 А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Э.Ҳошимов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. - Т: Академнашр, 2009 й. 123-б.

умумий кўрсаткичи меҳнат унумдорлигидир. У умуммахсулот миқдорининг жонли меҳнат сарфига нисбатан ифодаланади. Жонли меҳнат сарфи кунларда соатларда ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги билан бирга меҳнат сиғими деган самарадорлик кўрсаткичи ҳам қўлланади. Меҳнат сиғими жонли меҳнатнинг маҳсулот миқдорига нисбати орқали аниқланади. Маҳсулотнинг материал сиғими деган иқтисодий кўрсаткич ҳам бизнинг давримизда катта аҳамият касб этмоқда. Материал сиғими моддий ашёлар сарфининг маҳсулот миқдорига нисбати орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ёки фондлар қайтими кўрсаткичлари орқали ўлчанади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, айниқса, республикамизнинг ҳозирги шароитида самарадорликни ошириш жуда жиддий масаладир. Гап шундаки, ҳозирги даврда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарият қисми хориждан келтирилади, замонавий технология етишмайди, кадрлар малакаси юқори эмас. Шунинг учун ресурслардан тежамли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни энг зарур соҳаларга жойлаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарлича эътибор бериш талаб қилинади.<sup>10</sup> Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган йўналишлардан бири – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўлди. Бу эса бундай корхоналар янада барқарор ишлашида муҳим аҳамият касб этди. Бунинг учун корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий чоралар кўрилди. Энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни

---

10 М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Самарканд, СамКИ, 2002. 91-28. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. 1-2 қисм. - Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001.

жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, қўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини қисқартириш ва бошқа рағбатлантириш чоралари шулар жумласидандир. Демак, мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқиб, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ўрганилиб, маҳсулот таннархи таркибига кирувчи харажатларнинг асоссиз оширилишига йўл қўйилмаган. Бу эса корхоналарнинг молиявий ҳолати янада яхшиланишига туртки бўлган.<sup>11</sup>

Экспорт қилувчи корхоналар маҳсулот экспорт қилганда ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш бир хил боравермайди. Чунки бундай шароитда сотилган маҳсулот пули ўз вақтида келиб тушмаслиги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга талаб ошиши ёки кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун техника-технологияларнинг етишмаслиги натижасида корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтаб қолиши ёки белгиланган миқдорни ишлаб чиқаришга улгурмаслиги мумкин. Бунда банклар томонидан имтиёзли кредитлар берилиши корхоналар учун жуда катта ёрдам бўлади. Бунда, биринчидан, ишлаб чиқариш тезлашади, яъни меҳнат унумдорлиги ва асосий воситалар рентабеллиги ошади. Бу иккита кўрсаткич ҳам бевосита корхона маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи ўзгармас харажатларга боғлиқдир. Натижада корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи янада пасаяди.

---

<sup>11</sup> Экономика: Учебник. 3-е изд. / Под ред. проф. А.С. Булатова. - М.: Экономист, 2005.

## Хулоса ва таклифлар

Амалга оширилаётган ишлар натижасида корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари тежалмоқда ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда. “Самарадорлик” тушунчаси, гарчи даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмаса-да, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш кувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Айни пайтда ишлаб чиқариш корхоналарида тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида ҳар томонлама қилинаётган харажатларни камайтиришга интилиш зарур. Бунинг учун энг зарур бўлган масалалардан бири бу – ресурсларга қилинаётган харажатларни камайтириш, мамлакатимизда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Айнан мамлакат рақобатбардошлигини ошириш шароитида саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш учун хўжалик товарларини қайта ишлашни йўлга қўйиш зарурияти тўғилмоқда. Бунинг учун илм-фан, техника ва технология тараққиётидан кенг фойдаланиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- Илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда қайта ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш;
- Иқтисодий ривожланган (Япония, Хитой) давлатларидан тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

- Ишлаб чиқариш корхоналарида харажатларни камайтиришни таъминлаш мақсадида техника-технологияларини модернизация қилиш;
- Қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилмаган ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, у ерларда саноат ишлаб чиқариш корхоналарини куриш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Қорхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
3. Экономика: Учебник. 3-е изд. / Под ред. проф. А.С. Булатова. - М.: Экономист, 2005.
4. М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамКИ, 2002. 91 28. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. 1-2 қисм. - Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001.
5. А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Э.Ҳошимов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. - Т: Академнашр, 2009 й. 123-б.
6. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
7. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
8. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
9. <http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.
10. <https://www.norma.uz/>